

Улуғ ишга рўбарў бўляпман



08:00 / 01.11.2019 2493

Жаъфар ибн Муҳаммад отасидан ривоят қилади: «Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо жон топширар ҳолатида қаттиқ йиғлади. Ҳусайн розияллоҳу анҳу: «Акажон, нега йиғлаяпсиз? Аждодларимизга – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Али, Фотима ва Хадижа розияллоҳу анҳумга ҳам ўлим келди. Аллоҳ сизга Ўз Пайғамбари тилидан «Жаннат аҳли йигитларининг саййиди» эканингизни айтди. Аллоҳнинг Байтига ўз оёқларингиз билан ўн беш марта ҳаж қилиб бордингиз», деди. У бу сўзларни акасини тинчлантириш учун айтган эди. Аллоҳга қасамки, бу гаплардан сўнг Ҳасан розияллоҳу анҳу хўнграб йиғлаб юборди ва: «Укажон, мен улуғ ва даҳшатли ишга рўбарў бўляпман. Бундай ишга ҳеч қачон рўбарў бўлмаганман-ку», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан